


ЖОШЛИК СУЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 июнь, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда № 113 (1115)

НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА САФАР



СУРАТЛАРДА: завод цехларида ва тантанали митингдан лавҳа.

Республика Президентини Ислам Каримов 14 июнь кун Навоий вилоятида бўлди. Маълумки, мазкур вилоят мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутди. Утиш даври мураккабликларга қарама-қарши, самарали фаолият кўрсатаётган санаят корхоналари, қариб табиий бойликларга маъно бўлган саховатли замин, меҳнаткаш халқ вилоят иқтисодий янада порлоқ бўлишига ишонч уйғотади.

Шу кун Ушқудуқ шаҳридаги 3-гидрометаллургия заводи ишлаб чиқариш қувватларининг биринчи навбати

«Кизилкумодирметаллолтин» концерни раиси Н. Кучерский заводни барпо этишда кўрсатилган эътибор ва ёрдам учун юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди. У дастлабки маҳсулот намуналарини намойиш қиларкан, бу бойлигимиз Ватан келажаги, халқимиз бахт-саодати йўлида хизмат қилсин, дея тилак билдириди. Шундан сўнг Навоий қурилиш бошқармаси бошлиғи С. Ефремов янги корхонанинг рамзий қалитини юртбошимизга топширади. Президент алвон лентани қирқди. Завод ишга тушиб,

қудратли агрегатлар гувулдай бошлади.

Президент Ислам Каримов завод цехларидаги иш жараёни билан танишди, меҳнаткашлар билан суҳбатлашди. Республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди.

Санаят корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлашда, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришда чет эл фирмалари, тadbirkorлари билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси бун-

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

14 июнь кун Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Б. Хамидов ва У. Султонов Япония Хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси президенти Акира Нишигаки бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан мазкур жамғарма ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва узаро алоқаларни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, телекоммуникация соҳасида ҳамкорлик қилиш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан эканига эътибор қаратилди.

Узаро музокаралар чоғида, шунингдек, темир йўл ва автомобиль йўллари қурилиши соҳасида узок муддатли ҳамкорлик қилиш истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олинди. Жаноб А. Нишигаки ўзи бошқараётган жамғарма Ўзбекистонга бу соҳалар ривож учун кредит беришга тайёр эканини билдириди.

Учрашув натижасида жамғарма телекоммуникация тармоғини ривожлантириш учун Ўзбекистонга 140 миллион доллар кредит бериши ҳақидаги битим имзоланди.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Факултета ва мухтор элчиси Узэру Магосаки иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Узэру МАГОСАКИ:
«МАМЛАКАТЛАРИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЙЎЛИ БИР-БИРИГА ҲАМЖОИЯТДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ КИРИШ ҚИЛИШ ДУРА

Япония жаҳонда йirik мавқега эришган мўъжизалар мамлакатидир. Ўзбекистон бу юксак ривожланган давлат билан ҳар томонлама алоқаларни мустақамлашга катта аҳамият бермоқда. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1993 йили бошланган йўлга кўйилган эди. Мана, икки йилдирки, юртимизда мазкур мамлакат элчихонаси фаолият кўрсатмоқда.

Мухбиримиз Япониянинг мамлакатимиздаги Факултета ва мухтор элчиси Узэру Магосакига ўзбек-япон муносабатларига оид бир неча саволлар билан мувожабат этди.

Ўзбекистон Президентини 1993 йил май ойида Японияга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожига янги туртки берди.

— Ўзбекистон Президентини 1993 йил май ойида Японияга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожига янги туртки берди. Бугун ана шу ҳамкорлик қай даражада ривожланмоқда?

— Халқларимиз ўртасидаги алоқалар узок тарихга, яъни VIII-VIII асрларда бориб тақалади. Бу дўстлик ришталари Буюк Ипак йўли орқали боғланган эди. Ўзбекистон иқтисодига эришгач эса ўзбек-япон муносабатлари узгача ту олд. Айниқса, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифи камол топаётган амалий ҳамкорлигимиз тарихида янги ўқларни очиб берди. Чунки ташриф чоғида икки мамлакат манфати учун ҳам фойдали бўлган ҳужжатлар имзоланди. Айтиш жоизки, бу ташриф чоғида Япония раҳбарлари ва ишбилармонлари Президент Ислам Каримовнинг амалиётчилиги ва мамлакатимизнинг узига хос тарихий йўлини белгилайдиган беш тамойилга катта баҳо берди. Ўзбекистон мамлакатимиз билан узаро манфаатли ҳамкорлик қилишда муносиб давлат, деб эътироф этди.

Ташрифдан сўнг ўтган бир йилдан ошдиқувват ичиде 29 товар айирбошлаш ҳақми 29 миллион АКШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг Японияга экспорт қилган маҳсулотлари ҳақми эса ўтган йилга нисбатан икки бараварга ўсди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг чуқурлашувида Ўзбекистон-Япония иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси ва Япония-Ўзбекистон иқтисодий қўмитаси алоҳида ўрин тутди. Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистонда Япониянинг бизнинг фирмаси мавқеда бўлган бўлса, ҳозирги кунда дунёнинг йirik фирмалари ҳисобланган «Мицубиси корпорейшн», «Тамеи корпорейшн», «Сумитом корпорейшн», «Мицуи ва Ко ЛТД», «Марубени корпорейшн», «Чори», «Тойота цусе корпорейшн» каби компанияларнинг кенг кўламли фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг қувончлики, яқинда Япония ҳукумати Ўзбекистонга нефть-газ конини ўқлаштириш учун катта миқдорда кредит ажратишга қарор қилди. Шунингдек, Бухоро ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларини ташкирлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда.

Хозирги вақтда Япония ҳукумати телекоммуникация тармоғини таъмирлаш ва ривожлантириш учун 140 миллион АКШ долларини ҳажмида имтиёзли кредит ажратиб масаласи юзасидан музокаралар олиб бормоқда. Яқин кунларда эса Алишер Навоий театрини жиҳозлаш учун замонавий ускуналар олиб келинади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг турли жаҳадларини юкори малака билан ишлаш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Хар йили Ўзбекистондан 20-25 нафардан зиёд вакил Японияда узаро таъжриба



— Жапон элчи, Ўзбекистонда кечатган иқтисодий ислохотлар жараёнини қандай баҳолайсиз?

— Шавсан мен бир хилие дипломат сифатида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларни юкори баҳолайман. Хаммамизга маълумки, юртимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тadbirkorликка кенг йўлини ва чет эл сармояларини олиб кириш каби тadbirkorлик юзасидан қатор ишлар қилинмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда барқарорлик ва ҳамжиҳатлик кум бурмоқда. Қолаверса, мамлакатимизни тараккият йўлига олиб чиқадиган реал имкониятларни кўп. Бу имкониятлар орқали Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторида жой олишига йшониман.

— Шуниси эътиборлики, мамлакатларимизнинг иқтисодий йўли бир-бирига ўхшайди. Мамлакатларимизнинг тараккият йўли беш асосий тамойилга асосланган. Ана шу беш тамойилнинг биринчисида давлат беш иқтисодчи эканлиги айтилган. Ўз вақтида Япония давлати ҳам шундай жаҳадларни бошлади.

— Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада ривожлантиришда муҳим роль уйнаши шубҳасиздир.

— Халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳақиде ҳам тўхталасанми...

— Энг аввало, шунини айтишчи қорайди, Японияда Ўзбекистон қадимий халқ ва келажаги буюк миллат сифатида яшири билинади. Буюк саркарда Ашир Темурнинг шон-шухрати эди. Алишер Навоийнинг муқаддас меросини, қўшма Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини хурмат қилиш шундай жаҳадларни бошлади. Шунингдек, Тошкент Шаҳзодалик институтида япон филологияси бўлими ташкил этилганлиги Японияда тахсил талабаларининг юконида тахсил олаётганлиги бизни гойа мамун этмоқда.

— Япония расмолари ва хайкалдорларни яратган асарларнинг кўргазмаси эса Тошкентда тез-тез ўқлаштириб турилиши ҳаммага аён. Шу йилнинг 3 августиде япон гуллари ва керамика маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Сентябрь ойида эса 80 нафар япон расмолари ўзларининг 200 га яқин картиналарини намойиш эттирди.

— Бундан ташқари, бир-бирига яқин бўлган икки мамлакат маданий алоқаларининг қилажак порлоқ эканлигини даъватлади.

— Мамлакатларимизнинг узаро ҳамкорлиги учун раҳмат.

— «Халқ сузи» мухбири Фуқат САНАЕВ суҳбатланди.

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ 3-ГИДРОМЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли дўстлар, биродарлар!

Авваламбор, ҳаммангизни Ўзбекистон ҳаётидаги бугунги тарихий воқеа — мана шу завод ишга туширилиши билан чин кўнглимдан табриклайман. Сизларга сийҳат-саломатлик, куч-қувват, хонадонларингизга файзу барок тилайман.

Учинчи завод биринчи навбатининг ишга туширилиши — жамоангиз ҳаёти, бутун Навоий санаятчилигини эмас, балки республикамиз ҳаётида муҳим воқеадир.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу кун мустақиллигимиз нишон оёққа турғизиш тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини, унинг ҳар бозоридеги ўринини мустақамлайдди.

Бу кун Ўзбекистон ва МДХ-дагина эмас, узлардан ташқарида ҳам машҳур, айтишим мумкинки, бутун дунёда катта қизиқиш уйғотган қажикей олтин корхонанинг тараккият тарихида олтин сақиде бўлиб қиради.

Сизларнинг комбинатингиз бундан 30 йилдан ошдиқувват муқаддам сарҳо шароитида бир эртак, афсонавий Хумо қуши сингари пайдо бўлган эди. Сизларнинг ноёб жамоангиз салоҳияти, жиҳслети, юксак малакаси, меҳнатлиги ва ҳаётдаги интиқлиги, эришган меҳнат ютуқлари билан жаҳоннинг энг йirik, энг тараккият этган давлатлари ҳам ору қиладиган ҳақиқий бойликдир.

Комбинатингизнинг кўпмиллатли жамоаси узининг оёққа туриш тарихида, айниқса, собиқ СССР қурилиши узингидан кейин кўп муаммолар, кўп қийинчиликларга дуч келди. Ушанда бу ноёб корхонани вайрон бўлиб, тутаб кетиши хусусида башорат қилган қўшма калтабинлар ҳам пайдо бўлган эди.

Ҳақиқатан ҳам, агар кейинги йилларни эслайдиган бўлсак, корхона жамоаси бошдан келчирган улкан қийинчиликлар — эҳтимол, комбинатнинг кўп йиллик тарихидаги энг оғир давр бўлгандир.

Энг яқин ва энг замонавий технологияга эга бўлган, олтин

ва стратегик материаллар қазиб олиш бўйича фан ва техниканинг энг сунги ютуқларини узлаштирган корхона материал етказиб берадиган унлаб ва юзлаб корхоналар билан алоқалар узилганидан кейин мана шундай шароитда илгарии сурьатини сақлаб қўлиб, ишлаб чиқаришни зарур даражада таъминлай олишини тасаввур қилиш қийин эди.

Бироқ жамоа барчасига чидади. Энг оғир шароитларда ҳам ишлади. Бугун мен катта мамнуният, барчангизга, хурматли дўстлар, чуқур миннатдорлик билан комбинатингиз узининг илгарии қувватини сақлаганига қолмай, уни тобора ўстириб боргани, барчага узининг нимага қолди эканини намойиш қила олганини эътироф этишдан мамнунман.

Кайта-қайта айтманки, бу — сизнинг хизматингиз, тиним билмай, турли синов ва фитналарга парво қилмай меҳнат қилган ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, раҳбарлар, хизматчиларининг улкан хизматидир. Бу ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона меҳнат эди.

Мен бугун имконият тузилганидан фойдаланиб, сизларга, азиз дўстлар, биз сизлар билан фахрланамиз, жамоангизга ишонамиз, деб баралла айтишни истар эдим.

Бугунги кунда мана шу мураккаб шароитда ишлаб чиқариш сурьатини таъминлаб бериши қолмай, янги ноёб қувватларини ҳам ошираётган жамоангиз эришган ютуқлар барчамизни қувватланди.

Заводнинг иккинчи навбати ҳам жуда қисқа муддатда ишга тушириши ишончим комил. Хукумат сиздан барча зарур ёрдам ва қўмагини аямайди. Мен мана шу юксак минбардан туриб, барча қурувчилар, монтажчилар жамоаларига, янги заводни қуришда иштирок этган барча кишиларга, мана шу мураккаб шароитда бу ноёб ишоотини тиклашда Навоий вилоятининг барча кўпмиллатли аҳолисига миннатдорлик сузларини айтман.

Зарафшон қурилиш бошқармаси, «Жанубанвоитомтажтрести, Навоий монтаж-қурилиш

акционерлик корхонаси жамоалари ҳам ва «Кизилкумодирметаллолтин»нинг бошқа бўлиmlари ҳам жуда катта ҳажмдаги ишни бажаришди.

«Узмонтажмаҳсуқурилиш», «Узроқурилиш», «Узсувҳажмаҳсуқурилиш», «Узсанаятҳажмаҳсуқурилиш», «Узжамоаҳажмаҳсуқурилиш» бўлиmlари, республиканинг бир қатор санаят корхоналари завод қурилишига муносиб хисса қўшди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу заводни бугун Ўзбекистон қурди!

Янги заводни қуришда алоҳида ўрнат қўрсатган ходимларнинг муқофотлаш тўғрисидаги сизга маълум Фармонга имзо чекиш мента катта мамнуният бади этди. Бироқ, мен сиз амалга оширган ишлар, бу ишоотга сарф қилинган улкан меҳнатни ҳеч қандай муқофотлар ва фахрий унвонлар билан улчаб қилишмаслигини ҳам билман.

Хурматли дўстлар!
Хурматли меҳмонлар!
Мамлакатгада ишларнинг аҳволининг, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизда амалга оширилётган ислохотларни танқидий қўл билан таҳлил қилар эканмиз, биз бугун ишонч билан: ҳа, Ўзбекистон бугундан чиқиб бориши ва янгилаш шурьатини дадиллик билан эгалади, узининг келажакига ишонч билан қарамоқда, дея оламиз.

Бизнинг бу ишончимиз нимага асосланган?

Биринчидан. Дунё харитасида бизнинг заминимизчалик бойликка, минерал-ҳомаше, қисқор хужайли ва бошқа ноёб ресурсларга эга бўлган давлат ҳам топилмайди. Ҳозирча бу бойликларнинг каттагина қисмидан фойдаланилаётгани йўқ, шунинг учун ҳам бу бойликлар узаро фойда қўриш асосида биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган жаҳондаги машҳур компания ва банкларнинг эътиборини жалб этмоқда.

Америкалик экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Ўзбекистоннинг минерал-ҳомаше ресурсларининг узини учу триллион доллар миқдоринда баҳола нар экан. Бу рақамнинг ўзи ҳамма гапни айтиб турибди.

Иккинчидан. Бизнинг энг катта бойлигимиз — бизнинг кўпмиллатли меҳнатсевар халқимиздир. Бизнинг тарихимиз — буюк тарих. Бизнинг улуг аъналаримиз бор. Уялмасдан, қўрқмасдан, далил туриб: ҳа, Ўзбекистон ўз тарихи, узининг эзгу аъналарини билан фахрланади, дейиш лозим. Бизнинг томирларимизда жаҳон маърифатига салмоқли хисса қўшган буюк аждодларимиз қони оқмоқда. Бу заминда эзулик ва инсонпарварлик, тинчлик ва аҳдлик, яхшилик, адолатнинг буюк қадриятларидан таълим берган буюк мутафаккирлар яшаб ўтган.

Бизнинг ишончимизга асос бўлган учинчи омил — СССР тарқаб кетганидан кейин биз танлаб олган ислохотлар йўли, мустақиллигимиз ва истиқлолимизнинг мустақамлаш йўлининг туртирилди.

Бу — ислохотларимизнинг аста-секин, боқийча-боқийча амалга оширилди. Бу — узларни амалга оширишдаги изчилликдир.

Бу — бозорнинг Ўзбекистон модели бош тамойилларидан бирига айлган кучли ижтимоий сиёсатимиздир. Бизнинг бош шуюримиз — инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун шуюридир. Бугунги кунда бу шуюри барча эътироф этмоқда, у ислохотларимизга кумаклашмоқда ва муваффақиятимизни таъминламоқда.

Туртинчи омил. Айтинларчи, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида яна қанча мана шунча иншоотлар, айниқса, базавий тармоқларда иншоотлар қурилмоқда?

Улардан атиги бир нечасини санаб ўтман. Бу — янги йил ёзи бошда ишга тушириш мўлжаллилаётган Асакадаги автомобиль заводидир. Бу — Хорам вилоятидаги «Мерседес» юк машиналари заводидир.

Бу — вилоятингиз ҳудудида ишга тушган «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонасидир. Бу — Дауғутов конини узлаштириш бўйича «Полюс» фирмаси билан тузилган, ҳозир амалга оширишга тайёр бўлган йirik лойиҳадир.

Бу — мамлакатнинг ишга туширилётган йилиги-энергетика мажмуи — Қўқумалоқ ва Мингбулок конларидаги янги қурилатиларидир. Бу — Бухорода қурилатган нефтни қайта ишлаш заводиридир. Бу — Ўзбекистоннинг энергетика тизимига янги қувватлар, янги коммуникациялар, автомобиль ва темир йўллари, бу — энгил санаят, аграр сектордаги кўплаб қайта ишлаш корхоналаридир.

Бу — бугун Ўзбекистоннинг фахрига айланган сизларнинг янги заводиңгиздир.

Буларни бир кунда қуриб бўлмастлиги барчага аён бўлиш керак. Буларнинг барчасига жуда-жуда кўп жамоаларнинг тинимсиз, фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Буларнинг барчаси охи-оқибатда республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини барпо этиши ва эртати кунда, ишончим комилки, жаҳон бозорига Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди.

Биз бугунги кунда кейинги йилларда эришган ютуқларимиз билан фахрланишга ҳақимиз. Бу — бизнинг ташқаридан нефть ва нефть маҳсулотларини олишдан холи бўлган амалий мустақиллигимиздир. Бу — бизнинг ташқаридан галла сотиб олишдан холи бўлган мустақиллигимиздир. Ҳа, биз узини густ-густ маҳсулотлар билан таъминлаш учун ҳам зарур база барпо қила олдиқ. Эсларингизда бўлса, яқин-яқинларда ҳам бизнинг кўпдан-кўп хомаше бойлигимиз, энг аввало, пахта толаси мана шу ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга сарфланар эди. Учарим йил ичиде биз бу ресурсларимизни ана шу мақсадда фойдаланишдан ажратиб олдиқ, энди узар мана шу жаннатмакон заминда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаровон турмушига хизмат қилади.

Бешинчи, ва, айтиш лозимки, моддий ўлчулар билан улчаб бўлмайдиган энг муҳим омил, бу — тинчлик, барқарорлик, ҳамжохатликдир.

Бу — биз Ўзбекистон деб аталмиш уйимизда ўрнат олган фуқаролар тинчлиги ва миллатлар

бараётгани, буларнинг барчаси Ватанимиз қудратини оширишга, мустақиллигимизни мустақамлашга хизмат қилиши қайта-қайта тақдорланди.

Ислам Каримовнинг Навоий вилоятига сафарига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

НАТИЖАЛАР ВА УНИНГ ИСТИКБОЛЛАРИ

Қаро маслаҳатчи ва экспертлар, Миллий банк, шунингдек, Венгрия, Чехия ва Польшанинг хусусийлаштириш бўйича миллий ташкилотларидан вакиллар иштирок этдилар.

Мазкур анжумандаги маъруза ва баҳс-мунозараларда чет эл сармояларини жалб этиш, қийматли қозғалар бозори, банк тизими, хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий негизини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва рағбатлантиришни вужудга келтириш масалаларига катта эътибор берилди.

Қуйидаги қўш саҳифа ана шу анжуман материаллари асосида тайёрланди.

Мирафзал МИРСОАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари:

«ХОРИЖ САРМОЯДОРЛАРИ УЧУН ҚУПАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИЛДИ»

Мазкур семинардаги баҳс-мунозара шунинг кўрсатдики, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга катта қизиқиш билан қаралади.

Давлат мулк қўмитаси ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ўз ишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қарамонда. Бундай фаолият четдан техник ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига тўғриван-тўғри сармоялар киритиш билан боғлиқ.

Хорижий сармоядорлар бир қатор муайян қарорларга эгадирлар. Бу қарорлар улар маблағ сарфлаётганда тавakkалчиликни камайтиришга имкон яратиб беради. Мисол тариқасида «Ньюмонт», «Кока-кола», «ДЭУ ва К», «Мерседес-бенс» фирмалари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Германия, Индонезия, Корея Республикаси фирмалари билан қўшма корхоналар очиб қўйиб берилади. Биз Фарб фирмалари билан ҳамкорлик қилишда ёрдам кўрсатганлари учун Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармасига ўз миннатдорчилигини билдиради. Масалан, Жаҳон банки 160 миллион доллар микдорда соғломлаштириш қарзи ажратди.

Биз чет эллик сармоядорларга баъзи имтиёзлар бердик. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни тўсиқсиз олиб чиқиш кетиши, агар даромад ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қайта йўналтирилса, бу даромаднинг бир қисми солиқлардан озол қилинганлиги ана шундай имтиёзлар сирасига кирди.

Агар хорижий сармоядорлар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, минерал ресурсларнинг қолдиқларини қайта ишлаш, радиоэлектроника, телекоммуникация, дори-дармон ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқариш, сайёҳлик индустрияси билан шугуллансалар, жуда қулай шарт-шароит яратиб берилади.

Борди-ю, қонун ақлари ёмонлашувчи рўй беради, уларнинг ҳуқуқлари 10 йил мобайнида кафолатланади. Сармоя сарфлаш учун вужудга келтирилган шарт-шароит халқаро талабларга тўла жавоб беради.

«Ўриватбанк» халқаро банки ташкил этилди. Унинг асосий мақсади кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасига сармояларни жалб қилишдан иборат.

Қўшма ўзбек-герман банкни очиб тўғрисида «Берлинер банк» билан музокаралар олиб борилаётганда.

Абдуҷаббор ОБИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

«КАДАСТР БИЗГА НЕГА ЗАРУР?»

Газетхон учун маълумот. Кадастр — французча сўз. У жон бошига ўлпон тўлашга мажбур аҳоли рўйхатга олинганлиги маъносини англатади. Кейинчалик ерга эгаллик ёзуви бўлиб, унда қўшимча тўловлар билан бирга ер учун солиналган солиқ даромадини аниқлаш учун тафсилот берилган ва баҳоланган бўлади. Турли хил кадастрлар мавжуд: ер, шамол, ерости сувлари, қуёш энергияси кадастрлари... Масалан, ер кадастри оммавий реестр бўлиб, унда ер мулкнинг ҳўжалик ҳолати, ҳажми, қиймати ва даромад келтиришига тааллуқли асосий маълумотлар ёзиб қўйилади.

Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида, жумладан, Тошкентда олди-соти операциялари ўтказилгандан сўнг янги мулкдорларни рўйхатга олишда кўпдан-кўп муаммолар бор. Ўз-ўзидан ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш билан шугулланган идора йўқ, ер, уй-жой, бошқа объектларнинг кадастрлари юритилмайдилар. Шунинг учун ҳам тездан кадастр жорий этиш, аниқ ҳудудда бевосита хизмат кўрсатиш учун нотариал идоралар ўртасида ваколатларни қатъий равишда тақсимлаб олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Кўчмас мулк билан операциялар ўтказиш учун лицензиялар жорий этиш, брокерлар гильдияларини тузиш, бир-бирини тақдорлайдиган ахдиномаларга келишидан ҳимоя қилувчи механизмни ишлаб чиқиш ва ҳоказолар зарурати туғилмоқда.

Шу маънода Австриянинг кадастрлар ва ер дафтарлари тизимини қўллаш соҳасидаги тажрибаси муайян қизиқиш уйғотади. Бу мамлакатда юз йилдан ортиқроқ вақтдан буён мазкур тизимдан фойдаланиб келинади. Кадастри тузиш учун Иқтисодиёт вазирлигининг текшириш ва суратга олиш мақамасида мингта яқин ҳодим шугулланади. Молия вазирлиги фойдаланган маълумотларнинг катта базаси яратилган. Бу маълумотлар аниқ мақсадда, масалан, ердан фойдаланувчиларни пул билан таъминлашда қўлланади. Давлат аграр секторга 15-20 миллиард шиллинг (ун илдинг таъминан бир долларга тенг) ажратилди.

Мана, бир мисол. Австрияда агрокадастр асосида 260 минг деҳқон учун бир ой мобайнида экинларни парвариш қилиш режасини тайёрлаш мумкин. Европа Иттифоқи барча мамлакатларга ана шундай ер дафтарлари ва кадастри юритишни тавсия этди.

Австрияда ердан фойдаланишга тааллуқли кўпгина масалалар Федерал ер идоралари томонидан амалга оширилади. Икки мингдан зиёд жамоа ўзининг ҳудудда магистраллар ётқизиш, газ қувурлари, бошқа муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш масалаларини ўзи ҳал этади. Ерга мулкдорлик суд орқали белгиланади. Ер дафтари ақли идоралари қўлида туради. Ҳар бир туман суди учун жамоалар олинган аниқлаб қўйилади. Улар худди ана шу жамоаларга хизмат кўрсатадилар. Ерга ва турар жойга мулкдорлик масалалари фақат мазкур судлар томонидан ҳал этилади, бошқа ҳеч ким аралаша олмайди.

Венада 850 минг квартира борлиги кўпчиликини қизиқтирса керак. Шундан 140 мингтаси арзон туради — қурилишга ёрдам пули ажратилгани учун шундай. 200 минг квартира нархи ўртамаиёна. Турар жойлар учун зарурий белги гараж, биринчи қаватда кўрсатиш нўқталари қуришидир. Уй-жой масалаларини изга солиб туриш учун ижтимоий марказ мавжуд.

Австрияда кадастр ва ер дафтари билан боғлиқ барча хизматлар техник ва дастурий таъминотдан фойдаланади. Унга компьютерлар, рангли плоттерсканерлар, график дисплейлар киритилган. Бундай тизим маълумотлари базасига ҳоҳлаган ҳар бир киши йўл топа олади. У пулли бўлиб, алоқанинг телефон линиялари орқали танишиши мумкин.

Л. ЧЕПЦИ,

иқтисодчи (Венгрия):

«ПАРЛАМЕНТ ҲАВОЛА ҚИЛГАН «ЧИПТАЛАР»

Венгрияда ўтказилаётган хусусийлаштириш жараёни 80-йиллар бошида қиришилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотларнинг кен қўламли компаниясининг таркибий қисми саналади. Мамлакат раҳбарияти аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида ана шу жараёни бошлаш ҳақида қарор қилган эди. Бизга шу нарса равшан бўлдики, мамлакатда



фойдани бир текис тақсимлаш тизими туфайли юксак турмуш даражасига эришиш мумкин экан. Яна шуниси ҳам мутлақо аниқки, юқори меҳнат унвондорлигига эришилган, мамлакатдаги ресурслардан оқилона фойдаланилган тақдирдагина катта фойда олинади. Нарх белгилаш, иш ҳақини рағбатлантириш, банк соҳасини тақомиллаштириш, фонд биржасини, иқтисодий компенсация тўлаш агентликларини ташкил этиш ва бошқа жамик талбирлар иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилди.

Ўз вақтида Венгрия парламенти хусусийлаштириш зарурати туғилганини ақидиллик билан эътироф этиб, шу талбирни амалга оширишга розилик берди. Ушундан парламент иқтисодиётнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида мулкни текинга тақсимлаб беришдан воз кечди. Қабул қилинган дастурга қўра, ҳар бир янги мулкдор рақобатли нарх таълимотидан ўтиши зарур эди. Бу ҳол, бизнинг назаримизда, компанияларни бошқаришда зарур ислохотларни таъминлаш учун энг яқин йўл ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Венгрияда оммавий хусусийлаштириш йўқ.

Қонунлар базаси нафақат мулкни эркин тақсимлашни, балки иккинчи маротаба хусусийлаштиришни ҳам қўзда тутмайдилар. Бунинг ўрнига парламент уларга компенсация тақдим этади. Бир миллиондан зиёд фуқарога «компенсация чипталари» тақдир қилинди. Бундай чипталар илгариги мулк ҳажмига мувофиқ бўлиб, қиймати беш мингдан то ўн миллион Венгрия форинтига тенг. Чипта эгалари тендерда Мулкни бошқариш давлат агентлигидан ишлаб чиқариш воситаларидан иборат мулк ёки компенсациялар бўйича миллий бўлимлар ўтказилган кимёсиди савдосида ер майлони сотиб олишлари мумкин. Агар аҳоли талаб қилса, чипталар акцияларга алмаштириб берилади. Маҳаллий муниципалитетга қарашли квартира ва уйларда яшовчилар ўз ихтиёрларида булган чипталарини тўлаш ҳисобига ўзлари турган уйлари сотиб олишлари мумкин.

Компенсация чипталарининг сарф этилиши давлатга фойдалидир. Амалдаги йилда Мулкни бошқариш давлат агентлиги чипталарини сотишидан фойза ҳисобига 62 миллион форинти қўлга киритди. Яна шуниси мумкинки, қонунга мувофиқ, чипталар хусусийлаштириш операцияларини ўтказиш давомида тўловлар сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин. Мулкни бошқариш давлат агентлиги ишлаб чиққан концепцияга биноан, компенсация чипталарининг биринчи эгалари қўлида 55 миллиард форингдан 60 миллиард форингга тенг бўлиши мумкин. Маҳаллий муниципалитетлар ўз уйлари ва квартираларини истикоматчиларга сотганларидан кейин 5-6 миллиард форинтини ўз ихтиёрларида олиб қоладилар. Қишлоқ хўжалик кооперативлари ер учун «бирламчи» мулкдорлардан чипталарни олар эканлар, 25-26 миллиард форингга тенг бўлади. Ун миллиарддан ортиқ форинг биржада давлат корхоналарини хусусийлаштириш олиниши тақдир этган корхоналар томонидан жамғарилиши мумкин.

Қийматли қозғалар дастасига эга булган мулкдорларнинг талабларини қондирчи мақсадида Мулкни бошқариш давлат агентлиги ва давлат ҳолдинг компанияларини турли хил ечимларни тайёрлайдилар. Венгрияда компенсация дастурига баҳо беришга ҳали вақт эрта. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам у бозор иқтисодиётига ёндашувнинг тарихий намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

А. ЯНГ,

ЮНИДО эксперти:

«ШУНИСИ ҚУВОНЧИЛИКИ, МАМПАКАТИНГИЗДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИНИ УЗГАРТИРАЁТГАН КОРХОНАЛАР СОНИ ЙИЛ САЙИН КўПАЙМОҚДА»

Муаммони яхшироқ тушуниб етиш учун бир ой мобайнида жуда кўп вақт мажмуида хусусийлаштириш таҳлил этиш ва талдиқ қилишимга тўғри келди. Назариядан амалиётга ўтар эканман,

ҳам маҳаллий, ҳам минтақавий миқёсда анча-мунча мусоҳабалар ўтказдим. Банкчилар, биржаларнинг раислари, кооперативларнинг раҳбарлари, университетларнинг ректорлари, кафедралар мудири, профессорлар, бизнес-инкубаторларнинг вакиллари ва кўп вақт бошқа кишилар билан суҳбатлашдим. Ўзбекистонга бизнесмен сифатида ёки ЮНДП ва ЮНИДО йўли билан келиб, ҳозир яшаб турган бошқа мамлакатларнинг вакиллари билан ўтказилган суҳбатлар ҳам фойдали бўлди.

Республика кичик корхоналар кенг доирасига мўлжаллаб тузилган саволномадан олинган маълумотлар таҳлиliga асосий эътибор берилди. Бундай саволномалар элликка яқин корхонада бўлганимда тўлдириб чиқилди. Фақат Тошкентнинг эмас, балки пойтахт вилояти, Бухоро, Самарқанд фирмалари ҳам жалб қилинди. Натижада корхоналарнинг биринчи даражали иқтисодий муаммолари ҳақида ахборот тўплашга муваффақ бўлдим.

Олинган маълумотларни икки тоифага ажратса бўлади. Биринчиси — хусусийлаштиришнинг умумий жараёнига жалб этилган корхоналарнинг сони, кичик корхоналар ҳам шу қисмга кирди. Иккинчиси — бизнесдаги умумий масалаларга тааллуқли ахборот. Бунга иқтисодий, юридик омиллар, солиққа тортиш ва нафақат хусусийлаштириш жараёнига, балки кичик корхоналарнинг хусусийлаштириш даврида самарали ишлаб туриш имкониятига таъсир этувчи ҳоказо омиллар кирди.

Шуниси қувончлики, Ўзбекистонда мулкчилик шаклини узгартираётган корхоналар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, улар бир неча ўн мингта ҳисобланади.

Бизнесдаги умумий масалаларга келганда, шунинг таъкидлаш жоизки, бу жараён молиявий инфраструктура яхши ривожланмагани учун маълум даражада секинлашиб қолмоқда. Қийматли қозғаларнинг тақомиллашмаган бозори акциялар эркин савдога чиқариш маркетингини қийинлаштириб қўймоқда. Бу эса чет эл сармоялари учун тавakkалчиликка олиб келмоқда. Миллий валютани конвертациялаш етарли даражада эмаслиги ҳамда улар операцияларни ўтказиш учун рухсатномаларни олиш қийинлиги бизнесда тўсиқларни кўпайтирмоқда. Бундай қийинчиликлар кичик корхоналарда, айниқса, яққол сезилаяпти. Ахборот узатиш, солиққа тортиш, замонавий менежментликка ўқиғишни тақомиллаштириш зарур.

Муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бор. Бироқ, айтиш лозимки, ушбу соҳада республикада кўп иш қилинмоқда. Бу — жуда муҳим. Миллий валютани конвертациялаш суръатларини тезлаштириш, экспортни ривожлантириш, бунинг учун эса бериладиган кредитларни кўпайтириш зарур. Даромад келтирадиган кичик, кинобарин, йирик корхоналарни рағбатлантириш учун солиққа тортишни шакллантириш керак. Банклар зарур рақобатбарлош тоғварларни кўпайтириш йўлида ишлаши лозим. Аҳолини хабардор қилишни тақомиллаштириш ҳам жуда муҳимдир.

А. ШУҚИПОВ,

Қозғоғистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:

«ХОЛДИНГЛАР ОРҚАЛИ БОШҚАРИШНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ»

Бозор иқтисодиётига ўтиш Қозғоғистонда 1991 йилда бошланган эди. Бугунги иқтисодиёт эса мулкчиликнинг турли шакллари асосланган.

Майда хусусийлаштириш дастурига биноан, ҳодимлари 200 кишидан ошмайдиган объектлар жисмоний ва нодавлат юридик шахсларга сотилаяпти. Савдо нўқталарини хусусийлаштиришнинг амалдаги йилнинг биринчи ярмида, бутун дастурни йил охирига қадар якунлаш қўзда тутилмоқда.

Оммавий равишда хусусийлаштиришнинг лозим булган барча ўрта ва йирик корхоналар, қайта ишлаш корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Бу уларни шакллантиришнинг дастлабки босқичида зарурий шарт, деб ҳисобланади. Хусусийлаштирилганда акцияларнинг давлат пакетини сақлаш талаб этилмайдиган корхоналарнинг акциялари меҳнат жамоасининг улуши чиқариб ташланганидан кейин оммавий хусусийлаштириш кимёсиди савдосига қўйилади. Акцияларнинг сотилмай қолган пакети давлат мулк бўлиб ҳисобланади, у корхона фаолиятини изга солиб туришда давлат иштирокининг даражасини белгилайди.

Ҳозирги пайтда ўн мингдан ортиқ корхона хусусийлаштирилди, ўн тўртта кўпчилик кимёсиди савдоси ўтказилди. Уларда етти юздан зиёд акциядорлик жамиятининг қийматли қозғалар савдога қўйилди, олти юзга яқин АЖнинг акциялари тўлиқ сотилди.

Акцияларнинг давлат пакетини бошқариш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш бизда ҳолдинг компанияларига бериб қўйилди. Бироқ уларнинг ишлатиш ҳуқуқи Давлат мулкни қўмитаси қўлида. Республикада 80 дан ортиқ ҳолдинг турилди акциядорлик компаниялари тузилган. Давлат бошқарув органлари уларнинг фаолиятини изга солиб турадилар. Аини пайтда, айтиб ўтиш керакки, ҳолдинглар орқали бошқариш ижобий томонлари билан бир қаторда салбий жиҳатларга ҳам эгадир. Масалан, ташкил этилишининг мезон ва механизмлари, таркибига кирадиган АЖ фаолияти устидан аниқ назорат қилиш олинган асослаб берилмасдан тузилган ҳолдинглар кўп ўтмай монополияга айланиб қолдилар. Шу муносабат билан республикада ҳолдинг компанияларини таркибий қайта тузиш, уларни майдалаштириш ишлари олиб боришда, бошқа чоралар қўрилмоқда. Шунингдек, Қозғоғистонда йирик оммавий хусусийлаштириш дастури ҳам ниҳоятга етмоқда. Ошқоралиқни таъминлаш, корхоналарни сотишга тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида акциялари оммавий хусусийлаштириш дастурига биноан сотиладиган объектлар олинган шайлаб қўйилди ва рўйхати тузилди. 1400 тага яқин ана шундай корхоналарнинг рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Деҳқончилик-саноат мажмуида хусусийлаштириш қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Республикада ўтказилаётган барча турдаги мулкни хусусийлаштиришда чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ҳам

қатнашмоқдалар. Низом жамғармасида улушлари ҳар хил булган хорижий фирмалар иштирокида 120 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди. Иқтисодиётни ислоқ қилишда улар иштирок этишининг бир қадар самарали шакли, бизнинг назаримизда, корхона пайи ёки акцияларининг бир қисмини сотиб олиш, шунингдек, муайян муддат мобайнида ва ўзаро фойдали шартларда бошқариш ҳуқуқини берадиган шартномани сотиб олиш ҳисобланади. Масалан, республикада Алматы тамаки комбинати, Чимкент қандолат фабрикаси, Павлодар алюминий заводи ва Тўғрай боксит конини бошқариш учун контракт ва бошқалар чет эллик сармоядорларга тўла сотилган. Бундай ёндашувнинг афзал томони шундаки, харидор мазкур корхонани молиявий жиҳатдан яхшигина қўллаб-қувватлаши, илгор технологияни жорий этиши, ҳам ички, ҳам ташқи ҳамкорлар билан ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларни пухта йўлга қўйиши мумкин. Белгиланган муддат ўтганидан кейин ўша сармоядор корхонани сотиб олишга устун ҳуқуққа эга бўлади, чунки иқтисодий жиҳатдан соғломлаштиришда ўзи бевосита иштирок этган.

Хусусийлаштиришнинг амалга оширар эканмиз, биз республикада бирорта ҳам зарар қўриб ишлайдиган корхона қолмасин, деган мақсадни қўзда тутмоқдамиз.

МУАММОЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ

Семинар қатнашчиларининг кўпчилиги эътироф этганидек, улар маърузалардан керакли маълумотларни олишга муваффақ бўлдилар, бозор муносабатларига ўтишда бундан буён қандай ҳаракат қилиши зарурийлигини яхшироқ англаб етдилар. Бизда ҳам маълум тажрибалар бор. Аини пайтда муаммолар ҳам йўқ эмас. Сўбатимиз шу ҳақида бўлди.

А. МУРОДОВ, Давлат мулкни қўмитасининг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Вилотимизда ҳозирга қадар тўрт мингдан зиёд корхона хусусийлаштирилди. Нодавлат сектор 77 фоизни ташкил этиб, умумий маҳсулотнинг умумий 50 фоиздан кўпрогини ишлаб чиқармоқда. Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Тажрибанинг кўрсатишича, кўпроқ ана шундай корхоналарда янги иш ўринлари очилмоқда.

Масалан, Жизултов туманидаги «Лола» хусусий корхонаси тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда мингдан ортиқ киши ишлайди. Ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш учун фирмага маблағ керак. Ана шунда ҳодимлар сони беш мингтага етказиши мумкин. Ҳам ички, ҳам ташқи сармояларни жалб этиш лозим.

Ш. СУЛМОНОВ, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўлимининг бошлиғи:

— Соғлиқни сақлаш жамият тараққиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бироқ тиббий хизмат ҳам тақомиллаштириш ва яхшилашга муҳтож соҳа. Бу масалани муваффақиятли ҳал этиш учун ишнинг қўзини билиб, ижобий тарзда ёндашмоқ даркор. Хусусийлаштириш жараёни тиббий хизмат кўрсатиш объектларини ҳам қамраб олмади. Дорихоналар, оптика дўконлари, стоматология кабинетлари ва бошқа муассасалар мулкчилик шаклини ўзгартирмоқда. Бинобарин, бунда хизмат кўрсатиш, дори-дармонларнинг тури кўпайиб, сифати яхшиланаёпти. Бирдангина нарх масаласи кўндаланг бўлиб қолмоқда. Бироқ нархни кийшлар эмас, балки бозор белгилаб беради. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни давом этади. Бунда аҳолининг манфаатларини ҳисобга олиниши лозим.

Ю. УМАРОВ, «Янтарь» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси директори:

— Фирмамиз янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шугулланади. Масалан, меваларни газсимон азот муҳитида сақлаш, қайта ишлаш ва ташиниш тақдир этилди. Ана шундай шароитда сақлаб қўйилган олмалар ўн ойгача айнимай туради.

Биз ишлаб чиққан энергия жиҳатдан фаол турар жой қурилиши катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Айтайлик, патент олган махсус қоламали дераза қишда 90 фоизгача иссиқлик ютади, ёзда эса уни қайтаради. Ташқи деворларнинг иссиқлиқни сақлаш технологияси ишлаб чиқилган. Бундай уйга махсус иситкич қурилмалар ўрнатилиши хожати йўқ. Унинг ўзи уй ичида иссиқлик ҳам, салқин ҳавони ҳам ҳосил қилади. Ҳишт ишлаб чиқариш бўйича қурилмага патент олинди. Унга преселашнинг бутунлай янги тамойили асос қилиб олинган.

Фирма ихтиёрида ана кўпгина қизиқарли янгиликлар бор. Бироқ бизга бюрократлар, маблағ керак.

Семинарда лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун рекламанинг муҳим ўрни борлиги ҳақида жуда тўғри гапирилди. Аммо бунга ҳозирча бизнинг қўрбимиз етмайпти. Пул бўлса, реклама ҳам йўлга қўйилади.

Семинарда Жаҳон банкнинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари, жаноб П. Ҳасан, БМТ (ЮНИДО)нинг саноат ривожланиш дастурлари бўйича директори, жаноб Ж. Уотто, Россия Федерацияси Давлат мулкни қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А. И. Иваненко, Ўзбекистон Давлат мулкни қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Нуралиев, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (Париж) вакили, жаноб Н. Малишев, Ўзбекистон Давлат мулкни қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Т. Раҳимжонов, Миллий банкнинг стратегик тадқиқотлар бошқармаси бошлиғи М. Ф. Очиллов, Ўзбекистон Давлат мулкни қўмитаси юридик бўлими бошлиғи В. И. Гупнин сўзга чиқдилар.

Семинарда Ўзбекистон Давлат мулкни қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Гафуров якунловчи нутқ сузлади. У мазкур анжуманда иштирок этган барча кишиларга чукор миннатдорчилик билдирди.

Семинар якуни бўйича меморандум қабул қилинди. Унда Ўзбекистонда ислохотларни давом эттиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш учун тавсиялар ўз ифодасини топди.

Пировардида Ўзбекистон ва хориж журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Л. СПИРИДОНОВ,
В. ДРАЧЕВ,

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» муҳбирлари.

